Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 129 (5420)
9 ИЮНЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

8 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида Совет — Тунис дўстлиги кунлари бошланди. Ўзбекистон ана шу мамлакат вакилларини учинчи марта қабул қилмоқда.

Социалистик Дустур партияси сиёсий бюросининг аъзоси, Тунис шаҳри мэри Закария бин Мустафо бошчилигидаги Тунис делегацияси бу йилги дўстлик ва ҳамкорлик байрамида қатнашмоқ учун бу ерга келди. Делегация составида Африкадаги ана шу давлатнинг жамоат арбоблари, санъат усталари бор. Тунис Республикасининг СССРдаги элчиси Муҳаммад Ҳабиб Гераб дўстлик кунларида қатнашмоқда.

— СССРда Тунис кунларининг ўтказилиши — давлатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшилаётган муҳим ҳиссадир, — деди делегация бошлиғи. — Ер юзида тинчликни сақлаб қолишга ва осойишталикка бўлган муштарак интилиш халқларимизни бир-бирига яқинлаштириб туради. Биз совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини юксак қадрлаймиз. Биз фан ва техника ютуқларидан вайронагарчилик учун эмас, балки тараққиёт йўлида фойдаланиш мақсадида биргаликда кўп ишлар қилишимиз мумкин.

Бизнинг учрашувимиз Тунис билан биродарлашган Тошкент шаҳрида Ўзбекистоннинг шонли юбилейи йилида очилганлиги, айниқса, қувончлидир.

Ўзбекистон ССРда Тунис Республикасининг кунлари «Баҳор» концерт залида тантанали вазиятда очилди. Сўзга чиққан нотиқлар ана шундай учрашувларнинг ўтказилиши халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга хизмат қилади, деб таъкидладилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқдалар. Самарқандга сафар қиладилар. Дўстлик кунлари программасида Тунис миллий кийимларининг кўргазмаларини ташкил қилиш, рақс ансамбларининг концертларини қўйиб бериш кўзда тутилган. **(ЎзТАГ).**

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, партия ва совет кадрларини тайёрлашдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан Тошкент Олий партия мактабининг профессори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов Халқлар дўстлиги орденига сазовор бўлди. 8 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров тантанали вазиятда юксак мукофотни олимга топширди. (ЎзТАГ).

• *Газетанинг шу сонига интервью*

ТИНЧЛИК БАХТ ДЕМАКДИР



Республикамизда ўтаётган Тунис Республикаси кунларида тунислик маданият ва жамоат арбоблари иштирок этмоқда. Делегацияга Социалистик Дустур партияси сиёсий бюросининг аъзоси, Тошкент билан биродарлашган Тунис шаҳри мэри Закария бин Мустафо бошчилик қилмоқда. Жамоатчи мухбиримиз Б. Галиев биродарлашган шаҳар мэрига мурожаат қилиб, дўстлик байрамида ўтказилаётган тадбирлар, биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш режалари, Ўзбекистон пойтахти таассуротлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Тошкентда бошланган Тунис Республикаси кунлари ажойиб дўстлик байрами сифатида ўтмоқда. Мен меҳмондўст Ўзбекистон пойтахтида иккинчи бор бўлишим. Тошкентликларн и н г ютуқлари кўзни қувонтиради.

Пойтахтингиз билан биродарлашган бизнинг Тунис шаҳримиз ҳам янги қурилишлар ҳисобига гўзаллашиб борялти. Сизнинг шаҳрингиздаги дўстона учрашувлар, тошкентликларнинг Тунис ҳақида янада кўпроқ билишга қизиқишлари бизни қувонтиради. Тошкентда рақс ансамблимизнинг концертлари, Тунис миллий кийимлари кўргазмаси каби ажойиб учрашувлар бўлиб ўтди. Биз бу ерда Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш республика жамиятида, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида бўлдик. Дўстлик байрами қатнашчилари бундай самимий учрашувларда ҳар иккала томон учун фойдали бўлган жуда кўп нарсаларни билиб олдилар. Тунис республикаси кунлари муносабати билан Ўзбекистонга ташриф буюрган делегациямиз қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида ҳам бўлади.

Тинчлик бугунги кунда бахт демакдир. Биз ўзимизнинг Совет Иттифоқидаги ҳамфикр дўстларимиз билан ана шу улуғ ишга ҳисса қўшишни фахрли бурчимиз деб биламиз. Чунки уруш оловини ёқувчиларни жиловлаш бугунги кунда ҳар бир соғлом фикрли кишининг вазифасидир. Менинг тўрт фарзандим бор. Каттаси 27 ёшда — у шифокор. Энг кичиги 20 ёшда— у студент. Мен барча тинчликсевар кишилар, ота-оналар каби уларнинг бошида доимо тинч осмон бўлишини истайман. Бизнинг Тунис ва Совет халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларимиз ана шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Бизнинг бу ердаги самимий учрашувларимиз халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини кенгайтиришга ва айни пайтда жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. Бу дўстлик байрами қуёшли Ўзбекистонда, ажойиб кишилар яшайдиган ва меҳнат қиладиган Тошкентда ўтмоқда.

ЭРТАГА—ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

КЎПЛАБ СИФАТЛИ ВА ХИЛМА-ХИЛ БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ХАРИДОР МАМНУН БЎЛСИН

Эртага бутун мамлакатимиз жамоат ишлаб чиқаришининг муҳим соҳасида банд бўлган кишилар — енгил саноат ходимларини шарафлашади. Ахир, ҳар бир совет кишисига зарур бўлган буюмлар — пойафзал, газлама, трикотаж ва бошқа кенг истеъмол буюмлари уларнинг меҳнати билан яратилади-да.

Шаҳардаги бу соҳанинг кўпгина меҳнат коллективлари анъанавий байрамни муносиб кутиб олишяпти. Яқинда «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Машкура Қодирова икки беш йиллик топшириғини бажариш бўйича олган мажбуриятини адо этганлиги тўғрисида рапорт берди. Шу кунларда тўқимачилик комбинати тўқувчиси Е. Губина, йигирувчи Шокира Тошматова, «Қизил тонг» бирлашмасининг бичувчиси Садри Энианов, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарларн бирлашмасининг тикувчи-мотористқаси Гулчеҳра Юнусова ва бошқа социалистик мусобақа пешқадамларн 1987—88 йиллар ҳисобига ишлашяпти.

Енгил саноат — саноатнинг етакчи тармоқларидир. КПСС XXVI съездининг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш бўйича белгиланган муҳим социал-иқтисодий программани амалга оширишда бу соҳа муҳим роль ўйнаши лозим. Юзир Тошкентда соҳанинг йигирмага яқин корхонаси — тикувчилик, пойафзал, трикотаж, тўқимачилик, тўқимачилик-галантерея, кўн-галантерея, чинни, турли хил фурнитуралар, табиий ва сунъий чарм ишлаб чиқариш корхоналари жамланган. Бу корхоналарнинг мутахассислари мода йўналиши ва харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда янги структурадаги ва гулдаги газламалардан буюмлар ишлаб чиқаришни кўпгина ишларни қилдилар, савдо билан алоқани мустаҳкамладилар.

Шунисн диққатга сазоворки, шаҳар енгил саноатининг бир қатор корхоналарида — «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасида, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги, «Малика» трикотаж, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарларн ишлаб чиқарish бирлашмаларида, чинни заводида сўнгги йилда юқори сифатли кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш 5—8 процент ва ундан кўпроқ ўсди. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ўстириш, машина паркидан билиб фойдаланиш, илғор технологиянн жорий этиш туфайли эришиляпти.

Бу гоят муҳим. Енгил саноат буюмлари бошқа соҳалардаги буюмлардан фарқли равишда, мода ўзгалишн ва харидорлар эҳтиёжининг қаттиқ таъсири остида бўлади. Ўтган йили суюб харид қилинган буюмн, бу йил ҳеч ким олмаслиги мумкин. Булар ҳаммаси ишлаб чиқаришга алоҳида талаблар қўяди: аҳолн эҳтиёжига жавоб берадиган янги буюмларнн жадал суръатда ишлаб чиқаришни тақазо этади. Афсуски, бу борада бизда талайгина камчиликлар бор.

Шу кунларда магазинларда маҳсулотларининг кўргазма-савдоси бўлганда қандай манзара содир бўлишига бир қаранг. Магазин одамлар билан гоят гавжум бўлиб кетади, олувчиларининг охирн кўринмай қолади. Лекин янги буюмларни сотиш тугаши билан ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолади. Харидор мазкур корхонанинг маҳсулотидан нега совнди! Гап шундаки, энг харидгирдор ва янги буюмлар кичик туркумда ишлаб чиқарилади. Бу ишлаб чиқарувчиларининг сусткашлиги, шуниигдек зарур маҳсулотни катта миқдорда ишлаб чиқариш имконини берадиган техник базанинг йўқлигидандир.

Буюмларни эталон ва ГОСТ талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш гоят муҳим. Бу борада бизда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш асосида дурустгина натижаларга эришган корхоналар талайгина. Жумладан, бугунги кунда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси буюмларининг 61,6 процентини беш қирралн белги билан ишлаб чиқаряпти. Бу кўрсаткич Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли бирлашмада 47 процентни, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 41,4 процентни, бош кийимлар фабрикасида 63,3 процентни ташкил этмоқда. Булар ҳаммаси ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатидан яхши тайёрлаш, технологиянн такомиллаштириш, ижрочиларнинг юксак маҳоратн натижасидир.

Бироқ бир қатор корхоналарда олий категорияда маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини асло кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жумладан, кўн-мўйна заводи ва тўқимачилик комбинатида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 9 процент буюм, 1-пойафзал фабрикасида 16 процент буюм беш қиррали белги билан ишлаб чиқариляпти. Кўпинча моделларни ўзлаштиришда ишлаб чиқариш технологиясн бузилиши, фурнитура нотўғри танланиши, материаллар тез-тез ўзгариши ва тасдиқланган эталон-намунадан чекиниш натижасида буюм ўз жозибасини йўқотади. Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа конструкторлик-технологня бюроси, республика Модалар уйи эса бу масалаларни ҳал этишда таъсирчан амалий чоралар кўришмаяпти.

Буюмларни бадний жиҳатдан безашни, янада яхшилаш, уларни чиройли, символик белгилар билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳадаги рассомларнинг фаолиятини кучайтириш пайти келди.

Кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқаришни ҳамда уннинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар системасидагн муҳим партия ва давлат ишидир.

Ишнинг манфаатлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1983—1985 йилларда аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорн кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналарда сўзсиз амалга оширилишини тақозо этади.

Шаҳар меҳнат коллективларн республика юбилейи йилида юксак социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қиляптилар. Эндиликда бу мажбуриятлар ҳаётга мувaффақиятли жорий этилиши, енгил саноат корхоналари потогидан тушаётган ҳар бир буюмнинг бозорн чақкон бўлиши, харидорнни қувонтирнши гоят муҳимдир.

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

Ўзбекистон жамоатчилиги енгил саноат ходимлари кунини нишонламоқда. Тармоқ меҳнатчиларидан 500 дан кўпроқ киши ўз профессионал байрамини шахсий беш йиллик планларини бажариш билан кутиб олмоқда. Кўпгина мусобақа пешқадамлари ўн йиллик программани адо этганликлари тўғрисида рапорт бердилар. 8 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шу фактлар тилга олинди. Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов доклад қилди.

(ЎзТАГ).



Бир беш йилликда—икки беш йиллик

ПАРВОЗ

У қўлида бир даста гул билан ҳамкасблари, дугоналари даврасида ҳурмат-эътибордан ҳаяжонга тушиб, атрофдагиларга мамнун боқиб турарди. Машкура Қодирова бу дақиқаларда жарангдор сўзлар айтмади, лекин айтса жуда ярашарди. Дўстларининг илиқ, самимий сўзлари унга қаратилди. Меҳнат пешқадамини ҳамкасблари, корхона раҳбарлари қизғин табриклашди.

У ҳамманинг эътиборида эди. Мана шу воқеа сабаб бўлиб, дугоналари уни катта меҳмат муваффақияти билан табриклашн учун, ҳатто, участкада машиналарни тўхтатиб қўйишди. Соқинлик ҳукм суриши, меҳнат зарбдори 3 йил-у 5 ой мобайнида икки беш йиллик топшириғини қандай бажарганлиги ҳақида ҳикоями ҳамма эшитиши учун шундай қилишди.

Унинг рапорти содда ва лўнда бўлди. Лекин бу сўзларда бир олам маъно бор эди. Рекорд ўз-ўзидан юзага келмайди. У цухта ҳисоб-китобни, инженерлик жиҳатидан асосланган бўлишни, айни пайтда катта куч ва ғайратни талаб этади. Мана, унинг сўзлари:

— Беш йиллик бошида мен, трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, КПСС XXVI съезди қарорларига амалий жавоб бериб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар икки беш йиллик топшириғини бажаришга қарор қилдим.

Илғор тўқувчи қандай қилиб вақтдан ўзишга муваффақ бўлди.

— Фақат 1984 йилнинг беш ойи мобайнида мен планга қўшимча 13 тонна юқори сифатли капроацетат полотно бердим. Бундан бирлашма коллективи қўшимча 65 минг дона ёки 325 минг сўмлик трикотаж буюм ишлаб чиқарди.

Бу техникадан самарали фойдаланиш натижасидир. Мен ускуналарга хизмат кўрсатиш зонасини уч марта кенгайтирдим— ҳозир «Кокетт» типидаги 6 та танда-тўқув машинасида ишлаяпман. Меҳнатни илмий ташкил этганлигим, малакамни тинмай ошириб борганлигим, илғор иш усулларини ўзлаштирганлигим ютуқларимнинг гарови бўлди.

Менинг бундан бўёнги режаларим қуйидагича: республиканинг шонли юбилейига қадар 11,5 тонна полотно бераман. Бу яна битта йиллик топшириққа тенгдир.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети секретари Г. Григорян бу воқеани шарҳлаб шундай деди:

— Тўқувчи Машкура Қодирова бирлашмада биринчилардан бўлиб, ўзига хос рекорд қўйди— беш йиллик бошидан бери ўз машиналаридан 117 тонна капроацетат полотно тушириб олди. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Унинг ташаббусини корхонанинг кўпгина ишчилари қўллаб-қувватлашди. Шу кунларда илғорлардан Т. Кардаш, К. Шушакова, Л. Енговатова, Л. Фарзалина, Т. Молева ва бошқалар ўн иккинчи беш йиллик календари бўйича ишлашяпти.

Шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун оммавий социалистик мусобақа, техникадан билиб фойдаланиш коллективда белгиланган мажбуриятларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беряпти. Сўнгги йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш 7,4 процентга ўсди ва унга меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

О. САВЕЛЬЕВА.
М. Беньяминов фотоси.

1. ШАҲРИМИЗДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

Шу кунларда республикамизда ўтаётган пушкинхонлик кунларн мўжизакор шеърият байрами, чинакам дўстлик байрамига айланди.

Бу шеърият байрами Пушкин номи билан аталаётган хнёбонда тантанали равишда очилди. Бу ерга шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, студентлар ва мактаб ўқувчилари ташриф буюрдилар. Шеърият байрами бошланишида фақат шоирнинг ўлмас шеърларигина эмас, унинг бетакрор асарларига ёзилган музикалар ҳам жаранглаб турди.





• *Республика—Тошкентга*

АЖОЙИБ «САМАРҚАНД» ЧОЙХОНАСИ

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА РЕПОРТАЖ

Шаҳримиз меъморлик қиёфаси ўзига гўзалликка эга. Кейинги йилларда ўнлаб нодёб шаҳарсозлик ансамблари вужудга келди. Бу меъморчилик ишнооотлари пойтахтимиз меҳмонлари, Тошкентда ўтаётган турли халқаро анжуманларнинг қатнашчиларида ҳам катта таассурот қолдирмоқда. Бундай объектлар орасида савдо ва умумий овқатланиш комплексларн ҳам бор. «Фарғона», «Юлдуз», «Нептун», «Нилуфар», «Болгария», «Тошкент» каби кафеларни эсласангиз ўзи кифоя. Ана бундай ажойиб ошхоналар сони янгидан кўпайди. Пойтахтимизнинг Богдан Хмельницкий кўчасида «Самарқанд» чойхонаси очилди.

Бу ажойиб бино гўё шарқ афсоналаридан бизнинг шиддатли 20-асримизга келиб қолгандай туюлади. Нафис ўймакор устунлар ва эшиклар, бетакрор жозибали ганч ўймакорлиги бу муҳташам кошонага ажиб гўзаллик бахш этиб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, миллий меъморчилик услублари асосида қад кўтарган бу кошона шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкент аэропортига олиб борувчи кенг магистраль бўйида жойлашган.

Чойхона очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов шундай деди:

—Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига республика область марказлари билан Тошкентнинг ўзига хос дўстлиги рамзи бўлган ўнлаб объектлар қурилди. Улардан бири бўлган «Самарқанд» чойхонаси ҳам шаҳримизга ажойиб совғадир.

Чойхона қурилишида Самарқанд қишлоқ қурилиш трестининг Т. Муталлипов раҳбарлик қилаётган 3-кўчма механизациялашган колоннаси коллективи аъло даражада меҳнат қилди. Халқ устаси Н. Маҳмудов, бетончи А. Долгов, республикада хизмат кўрсатган қурувчи, бригада бошлиғи А. Ривожиддинов-лар чойхона қурилишида катта иштиёқ билан меҳнат қилдилар. Самарқанддаги «Усто» бирлашмасининг наққошлари ва ганчкорлари ўз санъатини намойиш этдилар. Самарқандлик таниқли ўймакор уста Насрулло санъати билан яратилган эшиклар чойхонага ажойиб кўркамлик бахш этиб турибди.

—М. Қўшоқов бошчилигидаги Фрунзе район ошхоналар трести вакиллари ҳам биз билан елкама-елка меҳнат қилишди, дейди Т. Муталлипов. — Улар бизга объект қурилишида ҳар томонлама ёрдам бердилар. Бир сўз билан айтганда «Самарқанд» чойхонаси бизнинг иккн қадимий шаҳримиз дўстлигининг ёркин рамзидир. Чойхонага ташриф буюрувчиларга тажрибали ошпазлар хизмат кўрсатишади. Улар бу ерда ранг-баранг миллий таомлар тайёрлашади. Чойхона айвонида ўтириб дам олиш, музика тинглаш ҳам мумкин.







«Самарқанд» чойхонаси очилишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Ҳ. Ҳасанов, Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева иштирок этишди.

А. ХАТАМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Самарқанд» чойхонаси.

Т. Каримов фотолари.

ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИ МАКТАБИ

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қошидаги идеология активи мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари республика пойтахтининг Акмал Икромов районида турар жойлардаги оммавий-сиёсий ишларни ташкил этиш ва унинг мазмуни билан чуқур ва батафсил танишдилар.

Мактаб тингловчилари Усмон Юсупов номли маҳаллада Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликни очиш маросимида қатнашдилар. 47-ЖЭУда турар жойлар бўйича иш тажрибасини ўргандилар, шунингдек, «Мен яшаётган район» байрамида қатнашдилар.

Машғулотга Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова раҳбарлик қилди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб Собир Раҳимов район меҳнаткашларининг оммавий сайили бўлади. Собир Раҳимов майдонида ва болалар боғида ўтадиган ана шу маданий тадбирда район маданият уйларининг бадний ҳаваскорлик коллективлари партия ва меҳнат ветеранларини, ишлаб чиқариш илғорларини шарафлайди.

●

«Роҳат» кўлида Ҳамза района саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари коллективи дам олиши ўтказилади.

ОБ-ҲАВО

Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 25 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 17—22, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

Сайёрани биринчи марта кўрган киши энг аввал бу қиз баҳорда туғилган бўлса керак, деб ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам баҳорда, апрель ойида туғилганлигини унинг ўзидан эшитган ҳалиги киши хато ўйламаганидан мамнун бўлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор цехларидан бири 1-бичув цехи бошлиғи Зинаида Горбунова коллективининг фидойи, жонкуяр чевари Сайёра Ҳидоятовани таништираркан, бизнинг дастлабки саволимиз ҳам шу бўлди:

—Баҳорда туғилган бўлсангиз керак-а?

— Ҳа, апрель ойида —жавоб берди у қимтинибгина, гўё бу саволнинг ишга нима алоқаси бор, дегандай.

Баҳор, ёз ойларида туғилганларнинг кўнгли соф бўлади, дейишади. Бу ақиданинг қанчалик рост-ёлғонлигини билмаймизу лекин Сайёранинг соф қиз эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Соф-лик унинг чеҳрасида, ҳаёли кўзларида, бежиримгина тикилган иш кийимида ўз ифодасини топган эди. Йўқ, софлик деган тушунчани бу қиздан, бу қизни эса софликдан ажратиб, алоҳида-алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Улар бир-бирига мужассамлашган, сингиб кетган.

—Ҳамма мен ҳақда яхши сўзлар гапиришини истамайман,— деб жавоб беради у бизнинг навбатдаги саволимизга.

«Ҳамма мен ҳақда яхши сўзлар гапиришни истайман». Ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт. Одамлар бир-бирини ҳамиша ҳам тушунишга қодир эмас. Инсоний муносабатларнинг бузилиб кетишига ҳам кўпинча шу тушунмаслик сабабчи бўлади. Бироқ бу фақатгина «тушунмаган» одамларга боғлиқ эмас. Биринчи навбатда, биз — ўзимиз, ишимиз, инсоний принципларимиз ва ниҳоят ўз ҳатти-ҳаракатларимиз билан яхшилигимизни исботлашимиз лозим. Шундагина бировларнинг бизни тушуниши осонроқ бўлади. Қолаверса, бизда «бировлар» деган тушунча бўлмаслиги керак. Совет Конституцияси ҳаммани тенгликка чақиради, яъни инсон бир-бирига дўст, биродар, ҳамдам...

Қаҳрамонимиз — Сайёрага қайтамиз.

Фаоллиги, чаққонлиги, берилган топшириққа нисбатан ниҳоятда масъулият туйғуси билан муносабатда бўлиши, меҳнатда дафъатан юқори унумдорликка эришган бу қиз цех комсомол ташкилотининг секретари этиб сайланганида иш стажи салкам уч ойни ташкил этарди, холос. Бир зукко одам «энг аввал ишонч бер», деб ёлборган экан. Сайёра жуда қисқа муддатда жамиятимизнинг мустаҳкам терминига айланган, унинг моҳиятини ифодалайдиган коллектив ишончини қозонишга муваффақ бўлди. Жуссаси кичкина қиз цехга илк қадам қўйганида тажрибали ишчилар уни менсимайгина қарши олгандай туюлган эди. Бироқ у «одатдаги қизлардан» эмасди. Коллективга тезда кўникди ва ғайритабиий эпчиллиги билан ўнлаб тажрибалиларни ортда қолдирди. Ҳозирги кунда ўзига биркитилган план-топшириқла р н и камида 140—150 процентдан адо этмоқда. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга, таннархни эса камайтиришга эришмоқда. У бирлашма комсомоллари орасида қуёшли диёримизнинг 60 йиллик қутлуғ айёмини беш йиллик план-топшириқларни бажариш билан кутиб олиш ҳаракатининг олдинги сафида бормоқда.

Бичув цехида иш бошқа участкаларга қараганда мураккаброқ. Негаки, бу цех корхонада тайёрланаётган либосларнинг ибтидоси, бошланиши. Модельерлар тайёрлаб берган замонавий костюм-шимларнинг мураккаб қисмлари шу ерда тайёрланади. Бу ерда ишда хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Оддий камчилик — моделнинг бузилишига, самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Цех коллективи бичув операцияларини юқори сифат билан бажаришда, умуман олганда сифат мусобақасида биринчи ўринда бормоқда.

Сайёра Ҳидоятова комсомол ташкилотчиси сифатида цех комсомол-ёшларининг фақат сифатли меҳнат қилишга, интизомли бўлишга, меҳнатга ижтимоий нуқтаи назар билан қарашга ўргатиб келмоқда. Қийналиб қолган кезларида унга бирлашма комсомол комитети кўмаклашади. У билан деярли баравар кўрсаткичларга эришаётган дугоналари Наима Сайфуддинова, Нафиса Қорабоева, Муҳайё Ваҳобова, Нафиса Раҳмонова сингари ўнлаб чеварлар меҳнати, ютуқлари ташкилотчи қиз интилишларининг бевосита самарасидир.

Хайрлашиш арафасида Сайёранинг қизиқишлари, қайси шаҳарларни кўриш орзусида эканлиги ҳақида сўрадик. У Алишер Навоий газаллаларини яхши кўраркан.

— Навоий буюк шоир ва мутафаккир, — дейди.

— Москвани, Киевни бир кўрсам яхши бўларди,—дейди у, нотўғри тушунишмасмикин деган ноқулай оҳангда.

— Албатта кўрасиз. У томонларда ҳам баҳор жуда гўзал бўлади. Лекин энг муҳими: қалбингизнинг баҳори боқий бўлсин.

Бу ҳам бир тилак.

С. САИДОВ,
М. ЮСУПОВ.





2. ШАҲРИМИЗДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

Шеърият байрамида республика шоир ва ёзувчиларн актив иштирок этишяпти. Улар шоир ҳайкали ёнида пушкинхонлик кунларн бошланишида, шоирлар хиёбонида, Пушкин ва Гельман номли маданият ва истироҳат боғларида, олий ўқув юртларида Пушкин шеъриятининг бетакрор жозибаси, унинг умумбашарий аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Пушкинга аталган шеърларини ўқиб бердилар.

СУРАТЛАРДА: пушкинхонлик кунларн бошланиши арафасида шеърият мухлисларн билан учрашув; Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиларн Мирмуҳсин ва Туроб Тўла пушкинхонлар даврасида.



• ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ, КАШФИЁТЛАРИ

Янги электр иситгичлар

Минскдаги олимлар рўёғор ва саноат электр иситгичларини анча соддалаштириш ва арзонлаштиришни таклиф этдилар. Кўп тарқалган шу қурилмаларнинг спираллари ва бошқа элементлари ўрнига Белоруссия ССР Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик химия институтида ишлаб чиқилган плёнкадан бемалол фойдаланиш мумкин. Уни ТАСС мухбирига институтнинг лабораториясида одатдаги сирли куружкани мисол қилиб кўрсатишди.

Чой ичишдан атиги бир соат аввал кружка одатдагидек эди. Лаборант унинг тубига чўтка билан электр ўтказгич модда юпқа қатламини суртиб чиқди. Сўнгра кружка қурилмаларнинг спираллари ва бошқа элементлари ўрнига ўрнатилди, печда тезгина пиширилиб, электрни ўтказмайдиган сир қопланди ва симлар кавшарланди. Шундай қилиб электр воситасида иситиш прибори тайёр бўлди.

Химиклар бу янгилигининг фазилатлари оз эмас: технологияси содда, фойдали коэффициенти юқори, мавжуд иситгичларга нисбатан унга металл кам кетади, хизмат муддати эса анча узоқ дейишмоқда.

— Янги плёнка қоплам хилма-хил иситгичлар, қовъялар ва бошқа приборлардагина қўлланиб қолмайди, —дейди техника фанлари кандидати Г. Мамедова. — Улар ёрдамида болалар боғчаларидаги, чорвачилик биноларидаги полларни иссиқ қилиш мумкин. Ихчам ва енгил иситгич қурилмалар ишлатилиши лозим бўлган ҳамма ерда бундай қопламалар қўл келади. Уларни, масалан, ичдан ёнар моторларга ишланган ҳолда тасаввур этиш мумкин. У агар автомобиль бўлса, ҳайдовчи қишда моторни иситишга овора бўлиб юрмайди— керакли температурани сақлаш учун аккумулятор энергияси кифоя қилади.

Бу янгиликка Минск қурилиш ташкилотлари қизиқиб қолди. Улар ишчилар кийим алмаштирадиган жойда плёнкали радиаторлардан фойдаланишга қарор қилдилар.

Д. ПАТИКО.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КУН ТАРТИБИДА—МУҲИМ ПРОБЛЕМА

СОФИЯ. Болгариянинг Ловеч шаҳрида қишлоқ ва унинг аҳолиси социологияси масаласи билан шуғулланувчи ишчи группанинг тўртинчи мажлиси очилди. Ишчи группа Европа социалистик мамлакатлари фанлар академияларининг «Социалистик жамиятда социал структуралар эволюцияси» проблемалари комиссияси ҳузурида ташкил этилган. Мажлисда БХР, ВХР, ГДР, ПХР, СССР ва ЧССРнинг социолог олимлари иштирок этмоқдалар.

Мажлис қатнашчилари бир қанча назарий проблемаларни муҳокама қиладилар ва «Социал синфий структурани ташкил этишда ҳамда қишлоқ ҳаётида умумий ва ўзига хос хусусиятлар» деган асосий мавзуга оид маърузалар тинглайдилар. Социалистик жамиятда қишлоқ ва унинг аҳолиси ҳаётини комплекс ўрганишга доир назарий ва методологик тадқиқотлар ҳақида ахборотлар, лойиҳа ва материаллар муҳокама қилади.

ОЛИМПИАДАНИНГ ЎТКАЗИЛИШИГА ХАЛАҚИТ БЕРИШМОҚДА

ГАВАНА. Лос-Анжелесда 400 тадан кўп ҳар хил шайкалар иш кўрмоқда, ҳар куни шаҳарда қуролли ҳужумлар натижасида ўрта ҳисобда олти киши ҳалок бўлмоқда ва 30 киши жароҳатланмоқда, кўпдан-кўп ўғирликлар содир бўлмоқда. XXIII Олимпиадани ўтказишга тайёргарлик кўраётган Лос-Анжелес манзараси ана шундай, деб ёзади Куба миллий информация агентлиги (АИН).

Маҳаллий маъмурлар шаҳардаги уюшган жиноятчиликка қарши курашда кучсизликларини очиқдан-очиқ тан олмоқдалар. Бу ерда, чунончи АҚШнинг бошқа жойларида ҳам ҳар бир киши «шахсий фойдаланиш учун» ўқ узадиган қурол харид этиши мумкин, деб ёзади АИН. Лос-Анжелес полиция бошлиғи Ч. Бредли айтган гапни эшитинг: «Олимпиада— мўмай пулдир, шаҳарда иш кўраётган шайка аъзолари кучлари етган қадар нимаики бўлса шунинг ҳаммасини узиб олишга ҳаракат қиладилар!».

Шу катта марказ ҳавосини саноат корхоналарининг ҳидларигина эмас, сиёсий «чиқитлар» ҳам заҳарламоқда. Лос-Анжелесда социалистик мамлакатлардан келадиган атлетлар учун чидаб бўлмайдиган шароит яратиш учун ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган, деб хулоса чиқаради агентлик.

* * *

ДАМАШҚ. Барча қитъалар спортчиларининг, миллион-миллион спорт ҳаваскорларининг улуғ ва шодиёна байрами АҚШ ҳукмрон доираларининг айби билан бузилди. Тинч-тотув яшаш ва халқларнинг бир-бирларига яқинлашувини барбод этиш жиноий йўлига содиқ Рейган ва унинг атрофидагилар етакчи олимпиада давлатларини Лос-Анжелесдаги мусобақаларда қатнашишдан воз кечишга мажбур қилмоқ учун зўр бердилар, деди САРнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоби, тинчлик тарафдорлари миллий кенгашининг аъзоси адвокат М. Солиби.

Вашингтон олимпиада теварагида вужудга келтирган талваса, нафрат ва душманлик вазнятн, деди у, Рейган коммунизмга қарши эълон қилган «салб юриши»нинг бир қисмидир. Уйинларнинг бошланиши яқинлашиб келган сайин маъмурларнинг ижозати билан ашаддий ўнг гуруҳлар кўтарган Советларга ва социализмга қарши тўс-тўполон аниқравшан бўлиб қолди. Махсус хизмат маҳкамалари совет спортчилари бошқа социалистик мамлакатларнинг вакилларига нисбатан дўқ-пўписалар, террор ва зўравонлик ҳаракатини уюштиради.

Бу ҳаракатлар, деди Солиби, Олимпиада ҳартиясигагина эмас, шу билан бирга ҳамма қабул қилган халқаро нормалар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳам зиддир: Америка маъмурияти олимпиадан кабиҳ сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринib, инсоният бойликларига дағдаға солди. Шу муносабат билан, деди суриялик юрист, Вашингтон кўраётган тадбирлар юридик нуқтан назардан, шунингдек бошқа ҳар қандай нуқтан назардан қонунга хилоф бўлиб, ҳамманинг қоралаши ва танбеҳига сазовордир. Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг олимпиадада қатнашмаслик тўғрисидаги қарори тўғри ва адолатлидир. Бу қарор спорт мусобақаларини Советларга, социализмга қарши машмашага айлантиришни хоҳлаган кишилар йўлига солинган ғов бўлди.

* * *

ВЕНА. Президент Р. Рейган социалистик мамлакатларнинг спортчиларн Лос-Анжелесдаги Олимпиада ўйинларида қатнашмаганлигн учун жавобгардир, деб ёзади Австриянинг «Фольксштимме» газетаси. Оқ уйнинг бошлиғи олимпиадага сайлов олди кампаниясидаги сиёсий курашнинг ёрдамчи воситаси сифатида қарамоқда. Америка маъмурияти олимпиада ҳаракати принципларига риоя этажаги тўғрисида берган ҳамма ваъдаларн муносиқликдан бошқа нарса эмас.

* * *

БЕРН, СССР Миллий олимпиада комитети Лос-Анжелесдаги Олимпиада ўйинларида нашмаслик тўғ бир қарорга кел асосидир, деб ди Швейцариянинг вертс» газетаси қадам аввало дан келиб чи АҚШ реакцион лари маъмурият мий мададн бил ветларга қарш нинги авж эт юборди ва Сове фоқи ҳамда бош циалистик мам нинг атлетларн қаратилган ин ларни тайёрлаш шуғулландилар.

Бу иш бойкот деб ёзади газет спортчилари эмо хартияси бузил ва ўзларн учун ин лик таъминланм сабабларинга б желесга боришм

* * *

ЖОРЖТАУН. СССР Миллий ол да комитети Лос лесдаги Олимп қатнашмаслик қилганлигини тоғ топади, деди Ко спорт ишлари дав нистри Рой Фре Уйин ташкилот совет спортчилар сизлигига кафо олмаганлиги ва позиция тутишга бўлди, деб таъ министр. Совет Ит Лос-Анжелеса бо данларига қарш гарликлар тайёр ганлиги, уларда ний ўч олиш тўғ ги хавф-хатарлар сабаби билан ин наётганлари ҳёч ди Р. Фредерик



ОБЪЕКТИВДА— НЕПАЛ

Непалнн — Ҳимолай тоғлик системасининг марказий қисмида жойлашган кичик бир давлатнн «булутларга туташган чўққилар мамлакатн» деб ҳам аташади. Ер юзнинг турли бурчакларидан бу ерга қадимги меъморчилигининг нодир ёдгорликларини кўздан кечирмш, ана шу мамлакатда яшаётган халқнинг ҳаёти ва урф-одатларн билан танишиш учун минглаб туристлар келиб турмишадн.


● Тхимн қишлоғи анъанавнй санъат — қоғоз ниқоблар авайлаб сақланадиган қишлоқлардан бирн. Мастер Канча Чатракар ўзн ясаган ниқобга сўнгги безакларнн тушнрмоқда.

● Лукла қишлоғи. Непалининг энг баланд аэродроми шу ерда жойлашган.

● Патана Сарой майдонн — миллий Непал меъморчилигининг дурдоналаридан бирн.

Ю. Роднонов фотоси. (ТАСС).





МУДДАТЛИ ИЛГАРИ

ХАНОЙ. Социа Вьетнам ўзини нинг энг катта ко сси — Лангзо сфат заводнинг чн навбатн бетла муддатидан ярим гарн фойдаланн ширилдн.

Ламтховдаги Совет-Вьетнам дий ҳамкорлигнн гич корхоналарн рн бўлиб, йнлар дан кўпроқ нисо рн ишлаб т АҚШнинг Вьетн агрессиясн янгн рика авиацнсн катнн шнддатн бн диммон қилган ҳам завод янн да ишлаб турган Заводнинг навбатн халн, учун гоят муҳи маҳсулот ишлаб ришнн ва уни пайтнришга ва 300 минг тонна змш нинконнн ВСР Министрлар ветн Раенсннн сарн социалистн лнш ншнда Вьетнн қига берилаётга мий самарали учун КПСС мар Комнтетнга, СССР матнга, бутун сов қига қизғнн мнн чнлнк нзҳор нлн

ЧССРда чиқиб кетган таклиф этилган

ПРАГА. ЧТК динининг хабар шича, Буюк Бр нинг ЧССРдаги хонаси ходимл монд Лодер бил вард Браунга территориясидан кетиш таклиф қ Чунки улар Чех кияда нашрдан номувофиқ нашр лан шуғулланган ЧССР ташқи министрнни сари Я. Логанс Британия элчнс ни маълум қил таъкидлаб ўтнлг лия элчнхонаси ларнннг бутун ларнннг ўртасида нлнятн нккн ҳамжиҳатлнк вужудга келт ёрдам бермайди тинч ҳамкорлнк вожлантнрнш даги кучлар хилофдир.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

Кўприк муаммоси

Собир Раҳимов районидаги Бош кийимлар фабрикаси бекатн олдидан каттагина анҳор сувн оқади. Ана шу сув устидан ўтган кўприк ҳозир жуда торлик қилиб қолди.

Ушбу кўприкдан кун бўйи узлуксиз йўловчи ва маршрутдаги машиналар қатнайди. Йўловчилар ҳам юракнн ҳовучлаб тор кўприк устидан ўтишади. Район ободонлаштирш бошқармаси раҳбарларн озгина қунт қилишса, кўприк ёнидан пиёдалар учун чоғроқ кўприкча қурнш ва кунда ишга қатновчн одамларнинг хавфсизлигнни таъмнн этиш мумкнн бўларди.

А. РАҲМАТОВ,
Юнусобод массиви, 2-квартал, 4-уй.

«Савлат» тўкиб турибди

Фрунзе районидаги Муқимий кўчасида Физкультура бекати бор. Бу ерда кўплаб транспортлар тўхтаб ўтади. Бекатга ўтган йили олтита темир устун ўрнатилганди. Ана шунда «Хайрият, бу бекатга ҳам сон кирнб, соябон ўрнатншар экан-да», деб йўловчилар жуда хурсанд бўлишган эди. Афсуски, ана шу темир устунлар мана бир ярим йилдан бери қандай ўрнатилган бўлса шундай турибди.

Бошланган иш охирига етказилиши турган гап. Лекин қачон!!

М. РИСҚИЕВ,
меҳнат ветерани.

Халақит бермоқда

Кўм-кўк дарахтлар — кўчаларимиз ҳусни. Лекин, қурнганларнчи! Собир Раҳимов райан Ойбек номли маҳалладаги Мирзо Ғолиб кўчасининг ўнг томонида 45 га яқин терак қуриб ётибди. Шаҳар ободонлаштирш Бош бошқармасига шикоят қилаверганимиздан кейин келишиб, соғлом 48 теракни кесиб кетишди, ўрнига манзарали кўчатлар ўтқазиб бсрамиз деб ваъда ҳам беришди.

Ҳозир терак тўнкаларн кўчанинг ҳуснига доғ тушнрнб, ўтган-кетганларга халақит бернб ётибдя. Бу тўнкаларни ким олади-ю, ён атрофга ким кўчат ўтқазади!

Н. МУҲАМЕДОВ,
пенсионер.

Ўзимизга ҳам боғлиқ

Биз кўчалар қиёфасидан, йўлсозларнинг масъулнятсизлигидан нолиб хат ёзамиз. Дарҳақиқат шаҳримиздаги ҳамма кўчаларни ҳам намунали деб мақтаб бўлмайди. Аммо шундай дейишга арзирли кўркам ва хушманзара кўчалар ҳам йўқ эмас. Масалан Навоий, Шевченко, Муқимий номли кўчалар.

Айрим ҳолда биз ўзимиз истамасак-да кўчалар тақдирига бепарво қараймиз. Йўл бўйида ётган сигарет қолдиқлари, музқаймоқдан бўшаган қоғоз стаканлар фаррошларнинг чўнтагидан тушмайди-ку ахир!

Шаҳримиз кўчаларн кўнгилдагидек яшнаб турнши бизнинг ўзимизга ҳам боғлиқ. Бу хайрли ишга бош қўшиш эса ҳар бирнмизнинг бурчимиз.

А. ОХУНОВ,
Садаф кўчаси, 11-уй.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Ошпаз ниқобидаги сеҳргарлар»

Газетанинг 19 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган шанба фельетонида бўлалар боғчаларн ва мактаблар ошхоналарн нашдаги нуқсонлар танқид қилинган эдн. Чунончи, озиқ-овқат маҳсулотларн таъминотндаги камчиликлар кўрсатнб ўтилган эдн.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси «Ташгосснабторг» савдо ташкилотн директори А. Чекананинг жавобида айтилишича, мақола торгнинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилдн. 1-майда улгуржи савдо магазинн мудири А. Полетаевага нашда йўл қўйилган нуқсонлари кўрсатнб ўтилдн. Сергели районидаги бирикгириб қўйилган муассасаларга озиқ-овқат, сут, мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб берилишини яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар нишлаб чиқилдн. Сут-қатиқ, сметана ва творог етарлн мнқдорда етказиб берилишн юзасндан Тошкент сут комбинатн билан шартнома тузилдн.

Мақолада кўтарилган барча масалалар алоҳида назорат остига олинди.

СУВ ОМБОРИНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Ўзбекистоннинг эски сув омборларидан бири— Оҳангарон сув омбори лиммо-лим тўлди. Унинг юзи аввалгисидан икки баравардан знёд баландга кўтарилиб, янги лойиҳадаги белгига чиқди.

«Средазгипроводхлопок» институтининг лойиҳачилари сув омбори ҳажмини кенгайтириш резервларини излаб, тўғонни кўтаришни таклиф қилди. «Узбекгидрозернострой» трестининг коллективи бу ишни амалга ошириб, сув омборини муддатидан илгари реконструкция қилиб бўлди. Энди омборга 191 миллион куб метр сув кетди.

Сунъий денгиз 20 минг гектардан кўп ерни сувга сероб қилиб, қарийб 12 минг гектар янги ерларни суғоришга имкон беради.

[ЎзТАГ].

• ЛУҚМА

Кўча бозорига марҳамат!

Бозор — ўз номи билан бозор. Биров у ёққа югуради, биров бу ёққа. Агар ҳамма бир ёққа юрса дунё тескари айланиб кетадигандай.

«Ҳамза районидаги Авиасозлар бозори ҳам ана шундай. Бошқа бозорлардан фарқи оз. Лекин бироз ўзига хослиги бор, деб ёзибди инженер М. Мирҳабибов редакцияга йўллаган мактубида. — Бу ўзига хослик райондаги савдо ташкилотларининг кўчма дўкончаларн бозор территориясига сиғмай қолишида намоён бўлмоқда. Улар кўчага чиқиб кетишяпти. Яъни бозор яқинидаги Кадишев кўчасининг йўлкаси савдо ярмаркасидан фарқ қилмайди. Йўлканн эгаллаб олган сотувчилар магазинларига сиғмай қолган молларнни бу ердан ўтувчи йўловчиларга мақтаб-мақтаб сотишади».

Кўча четида пайдо бўлган бозорчага биз ҳам кириб ўтдик. Унинг унча-мунча ярмаркадан фарқ қилмаслигига ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Қўлбола «ярмарка»га келган харидорлар ўз автомобилларини йўл четига қўймасдан экан. Худди шу ерда автобуслар бекати ҳам борки, ўтканнчи машиналарнинг қатнаши қийинлашган. Уларнинг «биб-биб», «дут-дут»и қулоқни қоматга келтиради. Еттн ўйлаб бир қадам босмасангиз кўнгилсиз ҳодисага дуч келишингиз ҳеч гапмас. Ҳаракатни тартибга солиш учун ҳеч бўлмаганда йўл белгиларн ўрнатилишини сўраб ГАИ ходимларига мурожаат этадиган одам топилмаяпти.

Қисқаси, Авиасозлар бозорн яқинидаги кўчалар ҳам бозорга айланиб кетяпти. Бозорчилар у ёққа югуришяпти, бу ёққа югуришяпти. Агар ҳамма тартибли юрса дунё тескари айланиб кетадигандай.

Ҳамза район Совети ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар ҳам бу бозорчага бир юриш қилсалар қандай бўларкин! Озодагарчилик ва йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланармикин!

Ният холис: кўча бозорига марҳамат!

М. МУРОДОВ.



Ш. ШАҲРИМИЗДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

Шеърият байрами ҳамма навқиронлик байрамидир. Пушкинининг мухлислари ҳузурида республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира Ҳалима Худойбердиева шеър ўқимоқда; мозамбиклик студент Симони Маунде ўз тенгдошларига Пушкин шеърларини рус тилида ўқиб бермоқда; улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда.

В. Громов ва Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

• Фан оламида нима гап?

РАНГЛИ ЦЕМЕНТЛАР

«Цемент — қурилишнинг нони» дейишади. Цементсиз бирон-бир иншоот, турар жой ёки бошқа бинони тасаввур этиш қийин. Шунинг учун Иттифоқимизда цемент ишлаб чиқариш, унинг янги навларини яратиш борасида муҳим илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтининг «Боғловчи моддаларнинг химиявий технологияси» ва «Керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси» кафедраларида маҳаллий хом ашёлар асосида юқори сифатли цементларнинг янги навларини яратишга қаратилган қимматли илмий ишлар олиб борилмоқда.

Кафедра ходимлари ўтган саноатининг кўп миллион тонналик чиқиндиси — фосфорогипс асосида бир неча хил цемент навларини яратдилар. Лабораторияда олинган натижалар катта саноат қурилмаларида синовдан муваффақиятли ўтди.

Яқинда кафедра ходимларидан — техника фанлари докторлари, профессорлар Ф. Тожиев, Т. Отақўзиев ва ассистент А. Мирзаевлар рангли цементнинг янги навини яратдилар. Маълумки, рангли цементлар бинолар безагида катта аҳамиятга эга бўлиб, улар республикамиз қурилиш эҳтиёжи учун Иттифоқимиздаги бошқа заводлардан келтирилади. Институт олимлари рангли цементлар олишда кўп заводларининг чиқиндисидан фойдаландилар. Бу усул билан турли хил рангдаги цементлар ҳосил қилиш технологияси яратилди ва ярим саноат қурилмаларида синаб кўрилди. Олинган манзарали цементнинг таннархи шу турдаги маълум цементларга қараганда бир мунча арзонга тушади.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати, доцент.

ТУРМУШ ҲОРРАҲАЛАРИДА

ДЎСТ КИМ?

Одамлар гурунг қуриб ўтиришиб, ўзаро баҳслашиб қолишибди: «Инсоннинг асл дўсти ким!» Бу муаммога ҳар ким ҳар хил жавоб берибди. «Инсоннинг яқин дўсти— тилла», дебди бир кишн. Иккинчиси: «Яқин дўст хотин», деб жавоб қилибди. Учинчилари: «Энг яқин дўст фарзанд, бахт, тахт ва ёру дўстлар», дейишибди.

Даврада ўтирган тўқсон ёшли бир қария ҳаммадан изн сўраб, дўст ҳақида ўз фикрини айтибди:

— Ҳар бир кишининг дўсти ва душмани вақтдир. Масалан, айтайлик фарзандларнинг ота-онасига чинакам дўстлиги — оқибатлилиги, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги улар вояга етиб оилали бўлгандан сўнг маълум бўлади. Одатда, айрим фарзандлар бўйдоқлик пайтида ота-онасига меҳрибон бўладн, бироқ оила қургандан кейин ўзгаришиб қоладилар. Эр-хотининнг бир-бирларига дўстлиги эса, бошга кулфат тушганда, йўқчилик пайтларда синовдан ўтади. Унутмайликкк, одамнинг энг яқин дўсти вақтдир. Зеро вақт оқни—оққа, қоранн—қорага ажратади. Шунинг учун вақтни кутган, сабр-қаноатли кишилар адашишмайди. Вақт ўтиши билан инсоннинг оқибатлилиги ҳам синовдан ўтади. Оқибат эса, дўстликнинг энг муҳим омилидир.

Даврадагилар отахоннинг бу доно сўзларига тасанно айтишибди ва унга иззат-икром кўрсатишибди.

ҲИССА: тил тийилса, дўстликка путур етмайди. Чунки вақт ўтиши билан кишн жаҳолатдан тушиб, тўғри фикр юритади. Ҳар бир инсон оила ва коллективда вақт ўтиши билан ўзининг яхши ёки ёмон одатларини намоён этади. Демакки, вақт турмушимизда дўстлик ва садоқатни синовдан ўтказувчи асосий омилдир, одамнинг энг яқин дўстидир.

ИШҚ БОШҚА, ҲАВАС БОШҚА

Бир тўда бургут саёҳатга чиқиб, анча сайр қилгач ўз маконларн — тоғ чўққиларига қайтишди. Бироқ бургутлардан бири муҳаббат дардига учраб, соғлиғи ва кайфиятн ёмонлашибди. Маълум бўлишича, у водийда бир мусичани кўриб, уни севиб қолган экан. Бундан бургутлар ҳайрон ва дарғазаб бўлишибди: «Мусича сенинг тенгинг эмас», дейишибди.

Ошиқ бургут ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, водийга учиб борнб мусича билан турмуш қурибди. Орадан бир неча ой ўтгач, бургутлар ошиқдан хабар олиш учун водийга учиб келишибди ва унинг осмонга кўтарилишини сўрашибди. Ошиқ бургут дўстларини кўриб ниҳоятда шодланибди, аммо қанча ҳаракат қилса ҳам баландга парвоз қилолмабди. Бургутлар ўз дўстларининг мусичага мослашиб, баландга парвоз қилишни унутганлигини англашибди. Ночор қолган ошиқ: «Дўстларим, мени бу ердан олиб кетинглар», деб бақирган экан, мусича сакраб унинг бошига чиқиб олиб чўқибди-да: «Овозингни ўчир, мени ташлаб кетмоқчимисан, номард!», деб ҳақоратлабди. Ошиқ бургут қўрққанидан, «Мени кечиринг, тавба қилдим», деб ёлворибди.

— Кимлигингни унутдингми, — дебди мусича яна, — яқиндагина қонхўрлик қилиб юрардинг, ҳозир боғ-роғлар бағрида, жаннатда, роҳатдасан. Кечагина жирканч ва бадбашара эдинг. Мен сенинг у ёғ-бу ёғингни текислаб, мунис қуш қилдим. Сенн одамлар, ҳайвонлар, паррандалар келиб томоша қилишяпти. Бундай иззат-икромга мен туфайли эришдинг, оқибатсиз!

Мусича шу зайл таъна-маломатлар ёғдирнб маманлик қилаверибди. Бургутнинг сабр косаси тўлиб-тошиб хотинига: «Ўз маконимга кетаман, акс ҳолда бу ерда ўлишим аниқ»,— дебдн.

— Ҳали шундаймн, мен сенга кўрсатиб қўямаи!, — деб мусича дод-фарёд солибдн. Бир зумда қушлар тўпланибдн. Мусича бургутнинг устига туҳматлар ёғдирибдн. Қушлар ҳайрон бўлиб туришганда, чумчуқ ўртага тушибдн:

— Ҳозиргина мен эр-хотининнинг гапларини эшитдим,— дебдн у. — Мусичанинг гапларн ёлғон. Ҳаммаси ўзингизга маълум, мусича: «Эрим қушларнинг султони, ҳеч кимдан қўрқмайман», деб атрофдагиларни камситиб, кеккайиб кетди, босартусарини билмай қолди.

Воқеага тушунган бургут ҳўнграб йиғлабдн. Унга қушларнинг раҳми келиб, мусичага лаънатлар ўқишибди ва ундан юз ўгиришибдн.

Илгари бургутдан чўчиб юрган бир мушук воқеадан хабардор бўлиб қолиб, шу кеча мусичани таппа босиб, лаззатли гўштини ебдн.

ҲИССА: бир кўришдаёқ муҳаббат юзқор этмоқ, тенг тенгини билмай турмуш қурмоқ оғир ва тузатиб бўлмас хатолнккка олиб келади. Умрдошли савдоси қийин савдо, уни обдон ўйлаб, сўнг оила қасрини қурмоқ керак.

Профессор Ҳамид ЗИЯЕВ тайёрлаган.

КАМАЛАК
ШАХМАТ КЛУБИ

Катта спорт олами

Кўп йиллардан бери «шахмат спортга тааллуқлими» деган баҳс давом этиб келади. Шунга ўхшаган саволларни эшитган машҳур шахматчилар ва айниқса жаҳон чемпионларидан ҳеч қайси бири қийналмай боп жавоб топа олган бўлса керак. Ҳар хил шахмат китобларининг муқаддимасида, газетага берилган интервьюларда, ҳамманинг кўз ўнгида шахматни миридан сиригача билиб олганлар ҳам унинг ўйин, спорт, санъат, ижодга тегишли томонларини у ёки бу даражада салмоқлаб кўришган. Кўп нарса кайфият, вазифа ва... даврга боғлиқ бўлган.

1926 йилда нашр этилган «Шахмат дарслиги»нинг муқаддимасида жаҳон чемпиони Эммануил Ласкер дангал ёзиб қўйибди: «Бу ерда (китобда) қадимий шахмат ўйинининг ғояси, ҳа, бу ўйинга минг йиллар давомида замон имтиҳонларига чидашдек куч ато этган ғоя аксини топган... Бу — кураш ғоясидир».

Унинг социологик аспектлари жиҳатидан ҳозирги вақтда ғалатироқ туюлувчи, лекин ажойиб «Стейниц— Ласкер» деган китобчасида Михаил Левидов бу ғоянн дастлабки жаҳон чемпионлари ҳаёти ва ижоди орқали тушунтиришга уринган. Бироқ ўша 30-йилларда Улуғ Октябрь социалистик революциясн иштирокчиси, таниқли совет жамоат арбоби ҳамда шахмат мастери А. Ф. Ильин—Женевский «Халқаро ишчилар шахматчилик ҳаракати мнслсиз кенглик ҳамда куч касб этмоқда ва шундай бадиий ижод намуналарини бермоқдаки, буни, шахмат пайдо бўлгандан бери ҳеч қачон жаҳон билмаган»лиги ҳақида ёзган эди. Шу ерда Алишер Навоийнинг «Шатранж — олийжаноб жанг...» деганини эслаш ҳам ўринлидир.

«Шахмат ўзи нима: спортми, санъатми ёки фанми? Бу баҳснинг чегараси йўқ, унинг сарҳадлари кенг. Мен учун шахмат унисн ҳам бунисн ҳам, учинчисн ҳам. Лекин бугунги кунда у, биринчи галда — спортдир»,— деб ёзади Анатолий Карпов. 1974 йилги тож талабгорларининг машаққатли финал матчидан сўнгги телевизион интервьюсида Карпов: «Шахмат— бешафқат спорт турндир. Унда ғалабаю мағлубиятларнинг оғир юки бир кишининг елкасига тушади... Зўр ўйнаб турнб ютқизиб қўйишдан ҳам ёмони борми?!» деб қўшимча қилганига нима дейсиз.

Гап аслида қанақа фикр билдирганнда эмас, албатта, гап шахмат ташкилотлари ҳаётида шаклланувчи тенденцияларда, оммавий шахмат ҳамда юксак профессионал савиядаги шахматдадир.

Ярим ҳазил, ярим чин

Билиб қўй: сенданки нуқул ғалаба кутишаяптимн, демак бу имкониятларингга ноўрин баҳо беришганн.

* * *

Болаларча мот акселерация даврида ҳам ўшандайлигича қолаверади.

* * *

Иккита шахматчи гаплашиб турншибди:

— Кеча турнирда кандай ўйнадинг?

— Ютқиздим.

— Эртага қандай ўйнамоқчисан?

— Ундан ҳам яхшироқ!

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
тайёрлаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

Шанба оқшоми

• Биласизми?

КЎК ЧОЙ ИЧИНГ

Кўк чойнинг қандай хосияти бор? Қора чой билан кўк чойнинг қандай фарқи бор?
М. Зуфаров,
бинокор.

Кўк чой ҳам, қора чой ҳам битта хом ашёдан— чой баргидан олинади, бироқ уларни тайёрлаш технологияси ҳар хил бўлади.

Кўк чойда витамин Р жуда кўп бўлади, бу жиҳатдан унга тенг келадигани йўқ. Кўк чойда, шунингдек кофеин, танин, катехин, микроэлементлар, эфир мойлари ва бошқа биологик актив модда-лари бор. Улар организмдаги оксидловчи тикловчи процессларга яхши таъсир қилади, сув-туз алмашинувини нормага солади, юрак-томир системаси фаолияти тонусини оширади.

Кўк чой дамлаб ичилганда қон томирлари деворида ёпсимон моддаларнинг йиғилишига маълум даражада йўл қўймайди ва бу билан атеросклероз ривожланишининг олдини олади. Шу нарса аниқланганки, кўк чой қора чойга нисбатан микробларга (жумладан дизентерия микробларига) қарши кучлироқ таъсир қилади.

Афсуски, кўк чой халқ ўртасида қора чойга нисбатан кам ичилади. Ваҳоланки, кўк чой ёшлар ва кексалар, беморлар ва соғлом кишилар, мамлакатимизнинг қиш қаттиқ бўладиган шимолий районлари ҳамда иссиқ жанубда истиқомат қиладиганлар учун ҳам жуда фойдали.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТЕСКАРИ ОҚАДИГАН ДАРЁ

Сухона дарёси Кубен кўлидан оқиб чиқади. Унга келиб қўшиладиган ирмоқларда сув сероб бўлса, баҳорда ёғингарчилик мўл бўлган пайтда, Сухона дарёси тескари оқиб кўлга бориб қуйилади. Бу ҳодиса ҳар йили атиги 8—10 кун давом этади. Кейин дарё яна сувни кўлдан олаверади.

СУВНИ ЁҚТИРМАЙДИГАН ДАРАХТ

Саксовул дарахти намгарчиликка бардош беролмайди. Агар сувга тушгудай бўлса, қуриб қолади.

БАОБАБ ЁНМАЙДИ

Африкада баобаб деган улкан ва баҳайбат дарахт ўсади. Унинг бўйи 25 метргача борса ҳам, танасининг йўғонлиги 25 метрдан ҳам зиёд бўлади.

Баобаб дарахти жуда ғалати, у ёзда япроғини тўкади, қишда эса япроқ ёзади. Бу дарахтнинг шох-шаббаси, ходалари ўтда ёнмайди. Унинг бодрингга ўхшаш узунчоқ, ширин этли меваснни еса бўлади.

С. ГАФУРОВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

ЎзТАГ фотоси.

Фарзанд—ҳаёт гули

Гўдак қалби шудрингдек тоза, гулдек ҳисса. Яхши ниятга мурғак қалбидан андоза ҳам керак.

Осмон офтоби, фарзанд одоби билан ёнади.

Фарзандим — қувончим, йиқилганда — ёнчим.

Уқувли бола — ўқдан ўзади.

МАҚОЛ: Яхши фарзанд—қант едирар,
Ёмон фарзанд — панд едирар.

Ҳикоят: Доништмандан бир ёш ота сўради:
— Бола билан қандай муомала қилиш ерак, нима қилса яхши тарбня бериш мумкин?

Дано айтди:
— Болага яхши тарбия бериш, у билан муомала муносабатнинг беш шарти бор.

Биринчиси: боланинг қалбини гул деб ланг, уни ёмон сўз билан шикастламанг, ар пайт-насиҳат билан, ширин сўз билан ўғритириш қилсангиз, болада одобнинг ширин ҳиси етилади.

Иккинчиси: бола билан бўлмағур ҳазилўлмоқ, бачкана одатлар қилманг, акс ҳолда ҳам бўлиб қоласиз.

Учинчиси: гўдакликдан болани ширин ўлтирга, фақат яхши сўзлашга ўргатинг. ғизига шалоқ сўзлар олмасин. Тўғри юрсин, ури десин, тўғри кўрсин.

Тўртинчиси: бола кўнглига қараб ҳамма ларини бажо этаверманг, меъёр билан ёнг, меъёр билан эркаланг.

Бешинчиси: бола хотираси тошдек мустаҳ бўлади, у эсини таниганидан нимани рса, нимага ўрганса, тошга ёзув нақшлан дек бир умр хотирасида қолади. Яхшилик бнга дур бўлиб кирсин, кўзида нур бўлиб расин.

Беш шу фазилатга эришган бола ҳаётда кабн ёниб туради, одамлар ҳаётига зиё туради.

Бол йиғиш ҳунари борлигидан асалари тошгани каби, фарзанд ҳунарли бўлса ҳам бошига қўнади.

Бемеҳр ота — ўтмас болта.

Бир дано айтган экан:

—Қизимнинг молн бежоғлиқ,
Ўғлимнинг моли чиройлик.

ҲИКОЯ: Ота-она донм фарзандим дейди, ларнинг тинчлигини, рўзғорини, турмушини, ғи-кўнглини, ташвишу-қувончнни ўйлайди. ғатда, фарзандлар ўз юмуши-турмуши биоила оврa бўлиб, ота-онадан кўпда хабар майди, ота-она эса донм фарзандига ғона-ю-гирғиттон. Тошпўлат ота билан ғат турнш-турмушни ўйлашади. Тошпўлат ғат катта қизи Ҳуринн пахтакор йигитга, ғинчи қизи —Нурнни ғаллакор йигитга турғанга берган.

Қарангки, Ҳурининг эри эрта баҳорда ерга ғнет қадаб, энди қаддини ростлаган эдн, уч ғи шаррос ёмғиру-жала қуйиб берди. Тошғлат отанинг пешонаси тиришиб, нуқул ғаниглиги тутаверди.

— Ёмон бўлди-да, Фазилат,— деди Тошғлат ота кампирига қараб,— шу ёмғир хоғинсиз ёғаяпти-да, Ҳурининг чигити чириб ғидиган бўлди-да... Тина қолса бўларди.

— Осмонга бир нарса деб бўладими, — ғали берган бўлди Фазилат хола чолига. Ғадемай тиниб қолар, пахта юртнинг наси, эгам ўзи раҳм қилсин.

Орадан бир ҳафта ўтди. Тошпўлат ота ғахтакор куёвининг уйига бориб келди. Шуғам ўн кун бўлди-ю, ҳамон ёмғир ёғмайди.

— Бай-бай-ей, осмонга нима бўлди,— деб ғалади Тошпўлат ота,— бир парча ҳам булут ғмайди-ю, ёмғир ёғмаса Нурининг далағи-ғу. Энди буёғи нима бўлади?

— Буғдой бўлмаса, нон қаёқда,— дейди ғазилат хола куйиниб. — Кўпчиликнинг раҳғаси есин, ишқилиб шаррос ёмғир қўйсин, Ғининг ғаллазори гуркираб, яшнаб кетсин.

Шунақа. Тошпўлат ота билан Фазилат ғаларнинг донм хаёллари далада, нигоҳларн осмонда: Ҳурининг пахтаси ёмғирдан чириб ғасмикин, Нурининг ғалласи ёмғирсиз ғараб қолмасмикин, деб ташвиш тортишағи. Ҳурихон билан Нурихон эса далада эрғалари билан жавлон уриб ишлашаверади, ғалари ширин давом этаверади.

Байт:

Ота-она фарзандига донм парвонадир,
Фарзанд ширин, фарзанд ширин, фарзанд ширин фарзонадир.[1]

Момонинг котиби

Тўлқин РАСУЛЕВ.

1. Фарзона — гўзал, ёқимли, севимли.



«Пахтакор»нинг рақиблари

«ДИНАМО» (Киев)

Тошкентлик футболчилар эса турнир жадвалининг сўнгги поғонасида туришибди. Шунга қарамасдан бу коллективлар ўртасидаги учрашувлар ҳамиша муросасиз ўтганлигини айтиш керак.

Тошкентлик футболчилар киевлик спортчилар билан олий лигада 36 марта учрашув ўтказишган. 21 марта динамочилар, олти марта пахтакорчилар ғолиб чиқишган. Тўққиз учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Дарвозани нишонга олишда украиналик футболчиларнинг қўллари баланд— 62:31.

Киевнинг «Динамо» командаси 1927 йилда ташкил этилган. У 1936 йилдан буён олий лигада қатнашиб келмоқда. Ўн марта мамлакат чемпиони бўлган. Ўн марта кумуш ва икки марта бронза медали билан тақдирланган. Олти марта СССР Кубогини қўлга киритган. Командa СССР терма командасига жуда кўп ўйинчилар етказиб берган.

артага

«Пахтакор» Марказий стадионида Тошкентнинг «Пахтакор» командасн Киев шаҳрининг «Динамо» коллективи билан беллашади.

Командаларнинг турнир жадвалидаги мавқелари бир хил эмас. Киевлик футболчилар 13 очко билан олтинчи ўринда боришмоқда.

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинарн тингловчилари диққатига.

11 июнь соат 18.30 да «Билимлар уйи»да (Киров кўчаси, 24-уй) Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистоннинг чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари» мавзуида лекция ўқилади.

Лектор—иқтисод фанлари кандидати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Г. А. Хачиев.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ШАМА

— Биз ҳам бир вақтлар чой эдик, хизматларимиз бор,— деб қолди чойнинг шамаси.

— Нимага шаъма қилаётганлигингиз н тушундик. Лекин чойнакка янги чой солинмаса бўлмайди, ҳаётнинг талаби шунақа, — дейишди унга.

ТЎҒРИ ЧИЗИҚ

— Бошим кесса кесилади, лекин йўлим тўғри,— дерди Тўғри чизиқ.

Унга ишонишарди.

АТТАНГ

— Бирон ишни ўз вақтида қилганмисан? —деб сўрашди Аттангдан.

— Аттанг, бу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман-а,— деди у.

ДУРБИН

Дурбин хоҳлаган нарсасини яқин қилиб, хоҳлаганини эса узоқ қилиб кўрсатишга уста эди.

Ҳа, гап нимага — қандай қарашда.

МАШЪАЛА НИМА ДЕЙДИ?

— Ўзим ёниб битсам ҳам зулматни ёритаман, одамларга йўл кўрсатаман, — деди Машъала.

КАРКИДОН

Каркидон кўрганни сузиб озор берарди.

— Ёмонлигингдан бурнингдан мугиз ўсиб чиққан-да, баттол, қўпол,— деб ундан хафа бўлишарди жонворлар.

МАҚТОВ НИМА ДЕЙДИ?

— Мен ҳаммага ҳам ёгдек ёқаман, лекин огоҳ бўлинг, орттиқчам заҳар-а,— дерди Мақтов.

МУМ НИМА ДЕЙДИ?

— Мен — ёпишқоқ мумман, турли жойларда керагим бор, — деб қолди Мум.

— Нега баъзи одамлар баъзан мум тишлаб қолишади? — деб сўрашди ундан.

— Бирон нарсадан ҳадиги бор одамлар билан менинг бир пуллик ишим йўқ,— деб жавоб қилди у.

ЧАЙНАМАЙ ШИМИНГ

— Мени чайнамангу — шимнинг, оҳ-оҳ— ана мазаю-мана маза. Мени тотиб кўрмабсиз — дунёга келмабсиз, — деб ўз-ўзини мақташ билан овора эди Чайнамай шимнинг. Лекин бирдан унинг кўзи Нонга тушди-ю, овози ўчди. Чунки у қорнини тўйдирмаслигини яхши биларди.

ЛАЙЛАК БИЛАН БАҚА

Лайлак билан Бақа нима бўлди-ю, дўст тутинишди. Лекин негадир бу дўстлик узоққа чўзилмади.

— Ҳа, тинчликми?

— Характеримиз келишмади, — дейишди улар.

МУНЧОҚ

Бир Мунчоқ нима бўлиб бир четда қолди.

— Наҳотки мени ҳеч ким кўрмаса, сезмаса...— деб маъюс мунғаярди у.— Аммо бир куни уни кўриб, ердан кўтариб олишди-ю, бўйинларига тақишди.

Тешик мунчоқ ерда қолмас, дейдилар-ку, ахир!

М. ХУДОЙҚУЛОВ.

Шанба фельетони

ҚОЧ, РЕВИЗОР КЕЛЯПТИ...

— «Магазинга ревизор келармиш...» Номаълум шахс томонидан айтилган бу нохуш хабар бир зумда яшин тезлигида тарқалди. Ҳамма ҳушёр тортди. Айниқса магазин мудири оёғи куйган товуқдек питирчилаб қолди. Унинг сочлари тиккайиб, кўзлари олайди, кент пешонасини совуқ тер босди. Нопок панжалари билан калласини чангаллади.

Бундоқ ўйлаб қараса, магазинга мудир бўлиб келганидан буён давлатнинг 22.692 сўм пулини «еб» юборибди. «Инсофсизга эрк берсанг — элни талар» деганлари шу бўлса керак-да!

У бирдан ҳушёр тортади. Миясига яшин урилгандай бўлди. «Фурсат —пулдан қиммат. Ревизор келгунича камоматнинг ўрнини тўлдириш учун вақт бор. Ундан-бундан қарз оламан. Жон омон бўлса, магазин яна ўзимизники-да...»

Мудир шу хаёл билан йўлакка отилди. Сотувчилардан бирига урилиб кетишга сал қолди.

— Тўхта,— деди у қатъий оҳангда — Ревизор келса, қайтарнб юборинглар, мен бетобман. Уч-тўрт кундан кейин келишсин...

Майли, мудир камоматни қоплаш мақсадида қарз излай турсин, биз эса унинг қилмишлари билан таништайлик.

Ўткир Акромов жуда «чаққон» чиқиб қолди. Бундан тўрт йил муқаддам Чилонзор райпишчеторгига қарашли 31-магазинни 1155 сўм 26 тийинлик камоматн билан янги мудирга топшириб, қуённи суриб қолди. Жони борнинг умиди бор, деганларидек Акромовга яна бахт кулиб боқди. «Лип» этиб 15-магазинга мудир бўлиб олди. Илгари текин томоқ еб ўганмаганми, ўрганган кўнгли ўртана бошлади. Кўнглидаги шум ниятнни амалга ошириш, ўз шахсий ҳамённни қаппайтириш пайига тушди...

Кондитер бўлими сотувчнси У. М. (биз атайлаб жабрланувчиларнинг исмини келтирмаймиз) ҳисобидаги 160 сўмлик хурмони 14-магазин сотувчиси М. Мирҳайдаров орқали сотгириб, пулини чўнтагига урди. Саккизта қутидаги 222 сўм 40 тийинлик «Ирис» конфетини кондитер бўлимидан олиб, 6-магазин мудири Х. Каримов орқали сотгириб юборди. Пулини эса давлат кассасига топшириш ўрнига ўз киссасига урди. Бу ҳаракат ҳам бўлим бўйнига тушди. 21-магазин мудири М. Одиловни ҳам авраб 600 килограмм сариёғни ҳеч бир ҳужжатсиз олиб, уни ҳам гумдон қилади. Одиловга эса ўз магазини савдо пулидан 2040 сўм беради...

Ўткир Акромовнинг чўнтаги канча қаппайса, кўзи шунча оч бўлиб боради. Ҳатто қўл остида ишловчи сотувчиларни ҳам лақиллатади. Сотувчи М.га беш ойга ведомостга қўл қўйдириб олиб, унга тегишли 791 сўм 68 тийинни ўз жиғилдонига уради. Сотувчи Н. С.нинг ҳам уч ойлик иш ҳақи Акромовнинг еб тўймас, тўлиб-тўймас чўнтагига кириб ғойиб бўлади.

Шахсий бойиш пайига тушган мудир савдо ишларини бутунлай унутиб қўяди. Ўз вазифасига совуққонлик ва бепарволик билан қарайди. Мана, бир мисол. Магазин омбордаги 1245 сўмлик харидоргир маҳсулотлар оширма нарх учун олиб қўйилиб, натижада сасиб қолади ва ўз қийматини йўқотади.

Мудирнинг босар-тусарини кўрган сотувчилар ҳам ўзбошимчалик қилишади. Сотувчи М. Мирҳайдаров 1905 сўмлик харидоргир маҳсулотларни яшириб сотаётганида ОБХСС ходимлари унинг бу «фаолияти»га нуқта қўядилар. А. Охунов ҳам 5 сўм 30 тийинлик «Русская водка» арағини 5 сўм 50 тийиндан пуллаётганида тумшуғидан илинади...

Мана энди 15-магазин мудири Ўткир Акромовнинг ревизордан қочганининг сабабини билган бўлсангиз керак. У уч кун елиб-югуриб давлатнинг ўзлаштириб юборган 22.269 сўм камомат пулини Чилонзор райпишчеторги кассасига тўлайди. Емоқнинг қусмоғи ҳам бор, дегани шу бўлса керак-да? Лекин...

Кечирасиз, шу ерда бир оз иқтисодий чекиниш қилишга тўғри келади.

Тўғри, Акромов еб юборган пулини тўлабди-ку демоқчисиз. Лекин қилмиш-қидирмиш дейдилар. У ўз қилмиши, ҳатти-ҳаракати билан совет савдоси қонун-қоидаларини оёқ остн қилди, бутунлай менсимади. Халқ, давлат мулкига кўз олайтирди. Давлатга жуда катта зарар келтирди. Коллективда давлат мулкини тарон-тарож қилиш учун йўл очиб берди, назоратни сусайтириб юборди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Ана шу саволларга шаҳар савдо Бош бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар нима дейишаркин?

Т. ТОШЕВ,
Н. ТУРСУНМЕТОВ.

3 Тошкент вет. оқшоми

9 ИЮНЬ, 1984 й.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 11 июнь куни МТ I программасининг соат 9.00 дан 18.15 гача кўрсатувлари 5-канал орқали намойиш этилади.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 11. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.10 Мультфильм.
10.30 «Чашмалар ўлкаси қўшиқлари».
11.00 «Хайрли соатда». Бадиий фильм.
12.15 Украина ССРда хизмат кўрсатган артист В. Буймистер куйлайди.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Учинчи меҳнат семестри». Олмаотадаги студент отрядлари бутунттифоқ слёти қатнашчилари ҳақида ҳикоя.
15.40 «Билимимиз — қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
16.25 «ГДР — дўстимиз ва иттифоқчимиз». Киноочерк.
16.50 Камер куйларидан концерт.
17.15 С. Шипачёв поэзияси.
17.45 «Усмирлар ижоди».
18.15 Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.35 «Ишлар ва одамлар». «Сибирь ери».
20.05 А. Корнейчук. «Платон Кречет». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Бу яқиндагина бўлган эди...» Музикали кўрсатув.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Футбол шарҳи».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Узингни синаб кўр ёки эртага ким ишчи бўлади». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.40 «Деразадаги нур». Телевизион бадиий фильм.
11.00 «Будильник».
11.30 «Фан ва турмуш».
12.00 МТ ва БР рус қўшиқлари академик хорининг концерти.
12.45 «Шимол йўллари бўйлаб саёҳат». Болалар учун телевизион бадиий фильм (ГДР).
13.55 «СССР денгизлари».
14.25 «Рус тили».
14.55 Фильм-концерт.
15.55 «Киров кўчаси». Телефильм. «Москва бўйлаб саёҳат» туркумидан.
16.15 М. Глинканинг симфоник миниатюралари.
16.45 «В. И. Ленин Марказий музейи».
17.15 «Илҳом». Телефильм премьераси.
17.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Алеут «Унанган» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.00—20.30 «Рингга чақирилади». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
22.20 Н. Тихонов. «Даврлар ва йўллар». Телефильм.
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Черноморец». 2-тайм.
23.45 Арфа квартети чалади.

● УзТВ I

18.15 Янгиликлар.
18.30 Болалар учун фильм. «Дадам, ойим ва биз».
18.45 «Қувноқ хоровод». Болалар учун концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Пушкинхонлик. «Эрк куйчиси». А. С. Пушкин шеърлари асосида адабий композиция.
20.15 «Мезенда, денгиз бўйида». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Белорус тупроғидаги учрашувлар». Видеофильм премьераси.
23.10 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—17.30 МТ II.
18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45—19.00 «Геннадий Райшев олами». Телефильм.
19.30 «Жайронлар чўлга мослашишмоқда». Телефильм.
19.40 Врач маслаҳати.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
21.30 МТ II.

СЕШАНБА, 12. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.25 «Тикланиш». Телефильм.
10.50 А. Корнейчук. «Платон Кречет». Фильм-спектакль.
12.15 Ю. Дранга чалади (аккордеон).
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.50 Халқаро конкурслар лауреати С. Стадлер чалади.
16.40 Болалар учун фильм. «Сен 12 ёшга тўлганингда».
17.45 «Тежамкорлик омиллари».
18.10 «Фиеста Филиппина» ансамблининг концерти (Филиппин).
18.40 «Меъморлик ҳақида монолог». Телефильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар.
19.50 «Фан ва турмуш».
20.25 «Берлиоз ҳаёти». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. Франция ва СССРнинг Венгрия ҳамда Канада ишлаб чиқаришидаги маҳсулоти.
21.30 «Время».
22.15 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 «Балерина Кунакова». Фильм-концерт премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Юрак назорат остида». Телефильм.
9.40 «Рингга чақирилади». Бадиий фильм.
11.10—12.10 «Поэзия». С. Городецкий.
12.40 Болалар учун фильм. «Ўтлоқдаги нонушта». 1-серия.
13.50 «Биргаликда аҳил оиламиз».
14.15 «Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида». 2-кўрсатув.
14.45 «Шахмат мактаби».
15.15 В. А. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 27-концерт.
15.50 Чет эл тасвирий санъати.
16.35 И. С. Бах. «Кофе кантатаси».
17.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.50 Халқ куйлари.
21.00 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.15 «Жонгинам». Телевизион бадиий фильм.
23.30 «Тасвирий санъат». Шарҳ.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ёзувчилар — болаларга». Ҳожиакбар Шайхов.
19.00 «Миллионлар ленинча университети». Партия ва иқтисодий таълим системасида ўқув йилининг якунларига доир.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Анъаналар ва замонавийлик». «Баҳор байрами».
20.10 «Авлиё ниқоби остида». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Қорақалпоғистоннинг пахта далаларида».
22.30 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—17.20 МТ II.
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20—18.35 «Заргар». Телефильм.
19.05 «Кекса авлод». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II.

ЧОРШАНБА, 13. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 Мультфильмлар.
10.20 Е. Школьникова куйлайди.
10.35 «Саёҳатчилар клуби».
11.35 «Берлиоз ҳаёти». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.15 «Россия тароналари».
17.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.35 «Парвоз». Очерк.
17.55 Д. Шостакович. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
18.25 «Расмларда қуёш акси бор».
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «XX аср салб юриши қатнашчилари». Телефильм.
20.45 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Сенинг изланишларинг, театр...».
22.40 «Джаз панорамаси».
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Телефильм.
9.50 «Жонгинам». Телевизион бадиий фильм.
11.05 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 Мультфильм.
12.10 «Оила ва мактаб».
12.40—13.50 Болалар учун фильм. «Утлоқдаги нонушта». 2-серия.
14.20 «Сен қонунни биласанми?».
15.05 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
16.15 «Табиат хавф остида». Илмий-оммабоп фильм.
17.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берилик».
19.20 Ҳужжатли фильм.
19.30—20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.45 «Хореографик фантазия».
21.30 «Время».
22.05 «Бир вақтда ўйналадиган сеанс». Телевизион бадиий фильм.
23.10 «СССР халқ артисти Б. Ливанов». Телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильмлар: «Салом, Ральфи!», «Болалар заставаси».
11.00 «Болалик — бу камалаклар бўёғи» (рус.).
11.30 «Дўстим, Колька». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». Самарқанд лифтсозлик заводи (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Тараққийпарвар жаҳон адабиёти». Яннис Рицос. «Озодлик — онамиз!».
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент асбобсозлик заводининг «Хоран» ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—17.00 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15—18.45 «Рус тили — халқларнинг дўстлик ва қардошлик тили» (рус.).
19.15 «Салор узра нилуфарлар гулламоқда». Телефильм.
19.35 «Ким бўлсам экан?».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Озиқ-овқат программаси амалда».
20.50 «Сахро палитраси», «Биз — Руставиданмиз». Телефильмлар.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 14. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Усмирлар ижоди».
10.10 «Денгизга чиқамиз». Телефильм.
10.30 «Ҳайвонот оламида».
11.30 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.15 Концерт.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ҳисоби». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
16.05 «Г. Бакланов. Асарларн саҳифаларида».
16.55 Л. Бетховен. Фортепьяно хор ва оркестр ижроси учун до минор фантазияси.
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашув.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Инсоннинг маънавий олами».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган бог».
20.00 «Инсон ва қонун».
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.15 Давлат Марказий концерт залида «Ялла» вокал чолғу ансамблининг чиқиши.
22.45 «Дунё воқеалари».
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Фан ва ҳосил». Телефильм.
9.45 «Бир вақтда ўйналадиган сеанс». Телевизион бадиий фильм.
10.50 «М. Луконин поэзияси».
11.25—12.05 Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР МФА академиги Е. Н. Мешалкин билан учрашуви.
12.35 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм, субтитр билан.
14.05 «Севастополга салют». Ҳужжатли фильм премьераси.
14.25 «Уфқ».
15.25 «Дарсликларингиз саҳифаларида». «Киев Руси».
15.55 Халқ хорининг концерти.
16.20 «Москва учрашувлари».
16.50 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Микробиология ва Озиқ-овқат программаси».
19.15 Қўшиқлар ва чолғу куйларидан концерт.
19.45—20.30 «Сиз бунга қодирсиз».
20.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.20 Концерт.
21.30 «Время».
22.15 «Комик жазман ёки сэр Джон Фальстафнинг ишқий эрмаклари». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.25 СССР халқ артисти Т. Николаева концерти.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.00 «Налькут». Музикали телефильм.
11.30 Болалар учун фильмлар:
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Идеологик иш — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши».
20.00 «КПСС МК июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!».
20.30 «Ахборот».
20.50 Шерқўзиевлар оилавий ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.55 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Пушкин қўлёзмалари саҳифаларида» (рус.).
18.45—19.15 «Абитуриент-84». ТИИМСХ.
19.45 «Шингнинг мовий маржони». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Театр учрашувлари» (рус.).
21.30 МТ II.

ЖУМА, 15. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Бу фантастик олам».
11.20 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.10 «Қишлоқ иҳотадан бошланади». Телефильм.
12.40 К. Дебюсси. Прелюдиялар.
13.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Телефильмлар.
16.05 «Рус тили».
16.40 «Москва ва москвaликлар».
17.10 Болалар учун фильм. «Икки табассум».
18.20 «Бир умрлик трасса». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «40- ва 50-йиллар тароналари».
20.00 «Кельбажар қарнялари».
20.20 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Д. Баннонис.
21.30 «Время».
22.05 XVIII Бутунттифоқ Пушкин поэзияси байрамидан репортаж.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Рақс оҳангларида». Эстрада кўрсатуви.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Қўл тўпи». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.30 «Жаҳон халқларининг ижоди».
10.05 Вс. Иванов. «Бронепоезд 14—69».
10.50—11.10 Телефильмлар.
11.40 «Салют, пионерия!».
12.40 «Набирам бўласан». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серялар.
14.55 «Сувсарнинг ранги қанақа?». Телефильм.
15.15 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
15.55 «Инсон ва табиат».
16.45 «Рақс байрами». Концерт.
17.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 Ф. Шопен. «Алла». Данг Тхай Шонг ижро этади (фортепьяно).
19.25—20.30 «Қисқичлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» туркумидан (ЧССР).
20.45 «Ойдин тунлар хроникаси». Илмий-оммабоп фильм.
21.00 «ТАЖРИБА УЧУН НАВОИЙГА». Порошокли материалларни қўлланишининг самарадорлиги ҳақида.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Черноморец».

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун. «Бойчечак».
10.50 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм.
12.10 «Диёр мадҳи». Ш. Одил ва Тўлқин шеърлари асосида адабий композиция.
12.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
18.45 «Зангори экран» почтасидан».
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Жальгирис» (Вильнюс). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.20 «Сариқ касаллиги». Медицина фанлари доктори В. М. Жданов сўзи.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—17.25 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15—18.35 «Свема — кеча, бугун, эртага». Телефильм.
19.05 «Хирургларнинг Бутунттифоқ конференцияси (рус.).
19.30 Реклама.
19.40 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Саломатлик посбонлигида».
20.50 Телефильм.
21.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
21.30 МТ II.

ШАНБА, 16. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Медицина ходимлари кунига. Ҳужжатли фильмлар.
10.20 «Спортлотоянинг 24-тиражи.
10.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.00 Санъат усталарининг концерти.
11.30 «Бизнинг ўзимизга боғлиқ». Телефильм премьераси. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
12.00 Қадимий қўшиқлар ва романслар.
12.25 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.40 «И. Сохадзе куйлайди». Фильм-концерт.
14.05 «Онла ва мактаб». Тележурнал.
14.35 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Кичкинтой Мукнинг саргузашти». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
16.30 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
17.00 И. Гайдн. 101-«Соатлар» симфонияси.
17.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.35 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги.
19.20 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. Жуков суҳбати.
19.50 Мультфильмлар.
20.20 «Раиснинг туни». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Золотой Орфей» болгар эстрада қўшиқлари XIX Халқаро фестивали лауреатларининг концерти.
23.05 Акробатика бўйича СССР кубоги.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.35 К. Паустовский. «Хотиралар ва учрашувлар».
10.20 «Тонгги почта».
10.50 «Боғлар ва ҳиёбонлар».
11.15 «Қувноқ стартлар».
12.00 Ҳужжатли фильмлар.
12.40 К. Вебер. «Оберон» операсига ёзилган увертюра.
12.50 «Кинопанорама».
14.30 АРМАНИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.40 «Саёҳатчилар клуби».
16.40 Болгар опера қўшиқчиларининг концерти.
17.00 Мультфильмлар.
17.30 «Халқаро обзор».
17.45 И. Брамс. Скрипка ва оркестр ижроси учун ре мажор концерти.
18.30 «Здоровье».
19.15 Теннис. Дэвис кубоги. СССР —Монако терма командалари.
20.00—20.30 «Музикали киоск».
20.50 «Цирк майдонида».
21.30 «Время».
22.05 «Қўш овоз учун куй». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серялар.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Шунчаки ҳазил...».
11.25 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
11.55 «Кинредакция почтасидан».
12.40 «Оилавий турмушдан саҳналар». Бадиий фильм.
14.05 «Ота-оналар университети».
14.35 «Буни ҳамма билиши ва удалашн керак».
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
19.00 «Давр — менинг тақдирим». Ёшлар учун программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ». Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Тожикистон телевиденнесининг программаси (давоми).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бузилмас иттифоқ». Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Тожикистон телевиденнесининг программаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Гўза парваришига — аъло сифат».
22.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● 17.50—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА, 17. VI

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Экран ижодий уюшмасининг Исландия санъат ҳужжатли фильмлари.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига саёҳат қиламан!».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта».
13.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал.
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Музикали киоск».
15.00 Болалар учун телевизион фильмлар фестивали. Финалнинг галлоғи.
16.05 «Музей ва кўргазма залларн бўйлаб».
16.25 Мультфильм.
16.35 «Саёҳатчилар клуби».
17.35 «Бугун — Медицина ходимлари куни». СССР Соғлиқни сақлаш министри Е. И. Буренков билан суҳбат.
17.50 «Хатларингиз асосида».
18.35 «Халқаро панорама».
19.20 «Гусар сюитаси». Концерт.
19.55 И. Шток. «Илоҳий комедия». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Оқшом тароналари».
22.35 «Футбол шарҳи».
23.05 «Лисенко ва бошқалар». Телефильм премьераси.
23.25 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага саф!»
9.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар.
9.35 Концерт.
9.55 «Рус тили».
10.25 «Булутлар устидаги кўприк». Телефильм.
10.55 Москва кемер тенниси бўйича халқаро мусобақалар концерти.
11.35 «Бор-йўғи бир сатр» фильм.
11.55 «Дўстларимиз премьерлари» (ГДР).
12.25 «Ҳайвонот оламида».
13.25 «Сизнинг хонадонингиз учун гуллар».
13.40 «Стадион ҳамма учун».
14.10 «Бошқирд эртаклари».
14.25 «Мухбирларимиз тенгдошларимиз ҳақида».
14.55 Ҳужжатли фильм.
15.05 «Машҳур совет жарроҳи — Ленин мукофоти лауреатлари».
16.35 Мультфильм.
16.40 «Уч карта». Фильм-спектакль.
17.50 «Юзта снегирь». Телефильм премьераси.
18.10 «Музей ва кўргазма залларни бўйлаб».
18.45 Болалар хори куйлайди.
19.15—20.30 «Икки капитан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
20.50 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Монако терма командалари.
21.30 «Время».
22.05 «Гиппократ қасами» фильм.
23.30 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. Ярим финал.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Экранда — кинокомедия «Қишлоқ ижодкорлари».
11.45 Мультфильм.
12.00 Мактаб ўқувчилари «Қувноқ стартлар».
13.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳужжатли ижодкорлар раёни».
13.45 «Узбекистон спорти».
14.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» (тавтология).
15.15 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. «Ёшлик» (рус.).
18.55 Медицина ходимлари кунига. «Спид — саломатлик ва имми-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ягона оилада — Узбекистон партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Тожикистон телевиденнесининг программаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мархабо, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тошкент вилояти халқининг телефестивали» — Самарқанд областидан Кўрсатув тугаши — кўрсатувлар программаси.

● 15.30—21.30 КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

«ХАНДИЗА» ДАМ ОЛИШ УЙИ

Узбекистоннинг жанубида курорт иқлимига эга жойда — Сурхондарё областининг Сариосиё шаҳридан 70 километр масофада, Ҳандиза дарёси водийсидаги Помир тоғ олди зонасида 1800 метр баландликда жойлашган.

Водий атрофи шаршараларга бой тоғ массивларидан иборат, тоғ ён бағирларида арчазор ва ёнғоқзорлар мавжуд, иқлими континентал, ёз ойлари бироз салқин, тоза соф тоғ ҳавоси ва қуёш радиациясининг юксак интенсивлиги бу жойлар учун хосдир.

Дам олувчилар яхши жиҳозланган икки кишилик коттеджларда жойлашадилар, онлалилар ва болали ота-оналарга хизмат кўрсатиш ташкил қилинган.

Касаба союзлари курортларини бошқариш бўйича республика советида путёвкаларни харид қилиш мумкин (12 кунлик путёвканинг баҳоси — 38—42 сўм атрофида).

Республика советининг адреси: Тошкент шаҳри, 165-алоқа бўлими, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй. Телефон 56-85-68.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти**, 10/VI да **Дунёнинг яратилиши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Келинлар қўзғолони**, 10VI/ да **Қиёмат қарз.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гастроллари (9/VI да 15, 18.30 да, 10/VI да 11, 15, 18.30 да).

кино

9 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТИРИКЛАЙИН ҚЎЛГА ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«ХАТОЛАРДАН ИБОРАТ ЎТМИШ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«САЛАМАНДРА» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«СЕМЕН ДЕЖНЁВ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ ХАЗИНАСИ ТОМОН» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02), **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ДОВОНДА ОТИЛМАСИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

10 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТИРИКЛАЙИН ҚЎЛГА ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

«ХАТОЛАРДАН ИБОРАТ ЎТМИШ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«САЛАМАНДРА» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«СЕМЕН ДЕЖНЁВ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ ХАЗИНАСИ ТОМОН» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ДОВОНДА ОТИЛМАСИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

10 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР биринчилиги учун

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — **«ДИНАМО»** (Киев)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» стадионида олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12 ИЮНЬ СОАТ 19.30 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Абулқосим ТЎЙЧИЕВ, Ҳотам ХОЖИЕВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Раҳима НОСИРОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Тошкент ҳисобот-бухгалтерия техникуми томонидан **Юнусов Абдусаттор** номига берилган 739273 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент молия техникуми томонидан **Матқобилов Набижон Қаюмович** номига берилган 106380 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт — 33-28-95; ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

9 ИЮНЬ, 1984 й. Р—12310. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10